

» Президент



МАҚСАД МУШТАРАК, МАНФААТЛАР ЯГОНА

ҚР ПРЕЗИДЕНТИ ҚОЗОҒИСТОН-СИНГАПУР БИЗНЕС-АНЖУМАНИДА МАЪРУЗА ҚИЛДИ

Давлат раҳбари ўз нутқида Қозогистон Сингапур услугуда иктисодий ислоҳотларни амалга ошираётган, кўплаб имкониятлар тақдим этаётган, иктисодиёти жадал ривожланаётган давлат эканини таъкидлади.

– Мамлакатимизда эркин бозорни ривожлантириш, инновацияларни рағбатлантириш ва билимга асосланган иктисодиёта ўтишга қартилган кенг кўламили ислоҳотлар бошланди. Ушбу ислоҳотлар энг юқори халқаро андазаларга, жумладан, Иктисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) андазаларига жавоб беради. Мен яқинда миллӣ иктисодиётни сезиларни даражада эркинлаштиришга замин яратувчи мұхим Фармонни имзоладим. Қозогистон минтақадаги асосий сармоя маркази бўлиб қолиши учун биз янги сармоявий жаҳрәни бошладик. Бизнинг стратегияи мақсадимиз – 2029 йилгача бевосита 150 миллиард доллар хорижий сармоялар жалб этиш. Биз сармояларларга давлат томонидан мажмуавий ёрдам кўрсатиш ва тезкор қарорлар қабул қилиш ўта мұхим, деб биламиш. Шу мақсадда стратегик-сармоявий лойҳаларига раҳбарлик қилиш учун юқори малакалар Сармоявий кенгаш туздик, – деди Давлат раҳбари.

Қасим-Жўмарт Тўқаев Қозогистон ва Сингапур сиёсий ва иктисодий жиҳатдан ишончли ҳамкорлар эканини ва шундай бўйли колишини таъкидлайди.

– Биз Жануби-Шарқий Осиёдаги етакчи ҳамкоримиз – Сингапур билан мустаҳкам алоқаларни юксак қадрлаймиз. Утган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1,8 миллиард долларни ташкил этди. Сингапурнинг Қозогистонга кириган сармояси 1,7 миллиард доллардан ошиди. Келгуси йилларда бу кўрсаткини икки баравар ошириш кўзланмоқда. Бу борада икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш учун мустаҳкам хукуқий асосга эга бўлиш жуда мұхим. Сармояларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги Ҳукуматлараро битимни ратификация қилдик. Бу ҳужжат сармояларнинг юқори даражада ҳимояланишини таъминлади, – деди Қ. Тўқаев.

(Давоми 3-бетда.) ▶



ҚОЗОҒИСТОН-СИНГАПУР БИЗНЕС-АНЖУМАНИДА ҚАНДАЙ ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ?

Қозогистон-Сингапур бизнес-анжуманини якунланган, ҚР Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев ва Сингапур Республикаси Баш вазири ўринбосари – Иктисодий сиёсат бўйича мувофиқлаштирувчи вазир Хенг Суи Кеат иштирокида тижорат ҳужжатларини имзолаш мэрносими ўтди.

Анжуманда кўйидаги ҳужжатлар имзоланди:

1. «Қазпошта» ҲЖ ва SingPost ўртасида стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги битим;

2. «KTZ Express» ҲЖ ва Global DTC ўртасида Рақамли йўлакни иша тушириш тўғрисидаги декларация;

3. «Қозогистон темир йўли» МҚ ҲЖ, PSA KZ Pte Ltd, KPMC Ltd ва G-trans Service ўртасида ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги меморандум.

Бундан ташқари, бизнес-анжуман доирасида кўйидаги ҳужжатлар имзоланди:

1. Forebright Capital Asia Private Limited, «Qazaqstan Investment Corporation» ҲЖ ва «BGI Hong Kong Tech Co., Limited ўртасида Forebright Life Science Technology Fund бўйича сармоявий шартнома;

2. «Бирюк Алтын» МЧБ ва AlDigi Holdings Pte. Ltd ўртасида ҳамкорлик шартномаси;

3. Қозогистон «Ташки савдо палатаси» МЧБ ва Сингапур саноат федерацияси ўртасида Ўзаро англашув меморандуми;

4. «Caspian Group» ҲЖ ва China Regional Development and Planing Institute Co., Limited ўртасида Ўзаро англашув меморандуми;

5. «Caspian Group» ҲЖ ва KPMG Samjung Accounting Corp. ўртасида Ўзаро англашув меморандуми;

6. «Mandarin building» МЧБ, «Singapore International School Kazakhstan» МЧБ ва Kinder World International ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим;

7. Қозогистон Республикаси Рақамли тараққиёт, инновациялар ва аэрокосмик саноат вазирлиги ва Nomadic Innovation Hub компанияси ўртасида Ўзаро англашув меморандуми;

8. Nomadic Innovation Hub ва Clockster ўртасида сармоявий шартнома;

9. Nomadic Innovation Hub ва Snap hunt рекрутинг платформаси ўртасида сармоявий шартномаси.

Akorda.kz.

ШАРҚИЙ ҚОЗОҒИСТОН ЧОРЛАЙДИ

3-бет

ОЛТИНЧИ МУЧАЛ ЁШ ШОДИЁНАСИ

5-бет

БАҲОР КЕЛДИ СИЗНИ СЎРОҚЛАБ...

7-бет

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Жанубий Қозогистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2024 йил 25 май, шанба, №56 (3402).

ДАВР СИНОВИДАН ЎТГАН ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

ДАВЛАТ РАҲБАРИ СИНГАПУР РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ТАРМАН ШАНМУГАРДАТНАМ БИЛАН МУЗОКАРАЛАР ЎТКАЗДИ



Қасим-Жўмарт Тўқаев Қозогистон делегациясига кўрсатилган меҳмондустлик учун миннатдорчилик билдириб, бу Қозогистон Президентининг Сингапурга 20 йилдан зиёд давр мобайнидаги биринчи ташрифи эканини таъкидлади. У мамлакатни яхши билишини, 1970 йилларда бу ерда дипломат сифатида ишлагани ва бу сафар давлат раҳбари сифатида ташриф буюрганидан мамнунлиги ни айтиб ўтди.

Президент Сингапурни Астананинг давр синовидан ўтган ишончли ҳамкори, деб атади. Бугунги кунда мамлакатда 140дан зиёд Сингапур компанияси ва кўшма корхоналар фаолият юртмоқда, айни пайтда Сингапурнинг Қозогистон иктисодиёттирига кириган сармояларининг умумий ҳажми 1,7 миллиард доллардан ошиди. Келгуси йилларда бу кўрсаткини икки баравар ошириш кўзланмоқда. Бу борада икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш учун мустаҳкам хукуқий асосга эга бўлиш жуда мұхим. Сармояларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги Ҳукуматлараро битимни ратификация қилдик. Бу ҳужжат сармояларнинг юқори даражада ҳимояланишини таъминлади, – деди Давлат раҳбари.

Қасим-Жўмарт Тўқаев мамлакат икки томонлама ҳамкорликда янги саҳифа очиши ниятида эканини, асосий эътибор ишончли сиёсий мулоқот, шунингдек, савдо ва сармоявий алоқаларни йўлга қўйиш ниятида эканини таъкидлади.

Президент Тарман Шанмугаратнам Қозогистон ва Сингапур ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланишига таъкидлайди.

Учрашувда икки давлат раҳбарлари савдо-иктисодий, сармоявий ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни кенгайтириш истиқбалларини атрофлича мухокама қилдilar.

Давлат раҳбари Қозогистон Сингапур билан энергетика, хомашёни қайта ишлаш, инфраструктулмани ривожлантириш, ра-

ҳамли иктисодиёт, қишлоқ хўжалиги технологиялари, логистика ва коммуникациялар каби мұхим тармоқларда ҳамкорлигини кенгайтиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Президентлар ўзаро манфаатли сармоявий лойҳаларни илгари сурish, жумладан, икки томонлама муносабатларининг

шартномавий-хукуқий базасини мустаҳкамлаш орқали биргаликда саъи-ҳаракатларни амалга оширишга келишиб олдилар.

Томонлар таълим ва одам капиталини ривожлантириш соҳаларида ҳамкорликни фаоллаштиришга доир масалаларни ҳам мұхокама қилдilar.

Akorda.kz.

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР – САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ



Бош вазир ўринбосари Серик Жумангарин Туркистон вилоятига амалий ташрифи чоғида Қазигурт тумани ғаллакорлари ва Мақтаарал тумани пахтакорлари билан учрашиди.

Бу арzonлаштирилган дизель ёқилгисини кўпроқ ажратишни сўради.

– Илтимосимиз бажарилса, ерга икки марта ишлов бериб, тупроқни яхшилай оламиз, – деди у.

Серик Жумангарин бу масалалар назоратга олининг, қонун доирасида ҳал қилинишини маълум килди.

Дехқон Спандияр Байгулов хорижий қишлоқ хўжалиги техникаларига ажратиладиган субсидиялар ҳақида савол берди.

Қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари Азат Султанов эндилидаги Қозогистонда мұқобили ишлаб чиқариладиган техникани хориждан сотиб олиш учун субсидиялар берилмаслигини айтди.

– Маҳаллий техникаларни харид қилиш учун субсидиялар 30 фойзи ташкил қиласи. Илтимосимиз бажарилса, ерга икки марта ишлов бериб, тупроқни яхшилай оламиз, – деди у.

Учрашувда Бош вазир ўринбосари янги пахта ётиштиришни таъкидлайди. Булар – қиймати 10 миллиард тенге бўлган «Cotton maқta», «Tulgar Textile» (калава ишлаб чиқариш, пахтани қайта ишлаш, газлама ва тўқимачлик ишлаб чиқариш) кластерларидир. Ўзбекистонлик ҳамкорлар билан биргаликда қиймати 50 миллион АҚШ долларига тенг «Global Textile Turkestan» экспортга йўналтирилган кластер ташкил этилди.

Бош вазир ўринбосари билан ўтган йигилишида пахтакорлар вилоятда хусусиятларни инонбатга олган ҳолда баҳорги дала ишлари учун имтиёзли дизель ёқилгиси ажратиш мөълөлларини қайта ҳисоб-китоб қилиш имконияти масаласини ҳам кўтарди. Деҳқонлар субсидия тўловлари кечичтирилаётганидан шикоят килишди.

Шунингдек, сафар давомида Бош вазир ўринбосари маккажӯхорини қайта ишлаш корхонаси, «ЭКО-культура» иссиқхона мажмуси, «Борте-Милка» сутчилик формасини ривожлантиришининг бориши билан танишиди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати

▼ Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати ҳабар қилади:

»» Очиқ муроқот: муаммо, ечим ва самара

БОШ МАҚСАД – АҲОЛИ ФАРОВОНИЛИГИ



Келес тумани аҳолисини нима ташвишга солмоқда? Қандай муаммолар бор? Қандай режалар бор? Туркистон вилояти ҳокими Дархан Сатибалининг Келес тумани аҳолиси билан учрашувида шу ва бошқа саволлар мұхокама қилинди.

Вилоят раҳбари аҳолини очиқ муроқотта чорлаб, уларнинг таклиф ва истакларни тинглади. Вилоят яна туман тараққетига ҳам эътибор қаратиди.

– Қишлоқ ҳудудларини ривожлантириши мақсадида “Қишлоқ – юрт бешиги” лойиҳаси доирасида ўтган йили Келес туманида 12та қишлоқда 22та лойиҳани амалга ошириш учун 2 млрд. тенге ажратилди. Зати қишлоқнинг электр таъминоти тизимини янгилаш учун 415 млн. тенге ажратилиб, қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Абай номли мактаб учун кўшимча бино, Жамбил ва Қўчкор ота қишлоқларида маданият уйлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бошқа ижтимоий иншоотлар ҳам кўпаймоқда. 2024 йилда 18та аҳоли манзилида 25та лойиҳани амалга ошириш учун 2,4 млрд. тенге ажратиш кўзланган. Қишлоқ

аҳолисининг турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида 1 млрд. тенгега 216ta лойиҳа молиялаشتirildi.

Вилоядта Илон Маскнинг «Starlink» сунъий йўлдош интернет қурилмасини ўрнатишни ишлари бошланиб, Келес туманинда 29ta мактабда тўлиқ ишга туширилди.

Аҳоли билан учрашишдан асосий мақсад ҳудуддаги муаммоларни ҳал этишдан ишоратди. Шу боис, тумандан айрим соҳаларда йўл кўйилётган камчиликлар ҳақида очик фикр билдириб, уларни бартараф этиш йўлларини кўриб чиқишимиз зарур. Ҳар қандай соҳада кўрсаткичларни ошириш бўйича тизимли ишлар олиб борилгани маъқул, – деди Д. Сатибалди.

Минтақа раҳбари сармоя жалб этиб, қишлоқ ҳўялиги, қурилиш соҳаларида режа тўлиқ бажарилмаганини таъкидлаб, туман ҳокими ва бош-

карма раҳбарларига тегишил кўрсатмалар берди.

Келес туманида жами ҳудудий маҳсулот 2021 йилга нисбатан 32 фоизга ошиб, 2023 йилда 118 млн. тенгега етди. Кичик ва ўрта бизнес субъектлари сони сўнгги 3 йилда 51 фоизга ошиб, 2023 йилда 12 мингтага етди. Улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 69 миллиард тенгени ташкил этди ва 2022 йилга нисбатан 20 миллиард тенгега (49 миллиард тенге) ёки 40 фоизга ошиб. 2023 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 4 миллиард тенгега етди ва режа ортиги билан бажарилди.

Келес тумани ҳокими Жанибек Ағибаевнинг амалга оширилган ишларга доир ҳисоботидан сўнг савол-жавоб, аҳолининг мурожат ва саволлари тингланди.

Йиғилиша иштирокчилар томонидан яйлов, ичимли сув, газ таъминоти, йўл ва бошқа инфраструктура масалалари кўтарилид. Учрашувдан сўнг Д. Сатибалди иссикхоналарга бориб, уларнинг соҳиблари билан муроҷаат ва бўлди.



»» Саттар Ерубаев таваллудига – 110 йил

ИСТИҚЛОЛ ФИДОЙИСИ

Жорий йил қозоқ адабиётининг энг ёрқин юлдузларидан бири бўлган Саттар Ерубаев таваллудига 110 йил тўлди. У атиги 23 йил ѡшади. Унинг

номи ҳалқимиз тарихида қолади. Шу мақсадда Туркистон вилоят тарихий-ўлқашунослик музейининг Саттар Ерубаев музей-филиали ҳамда Туркис-

тон шаҳар Маданият уйи ва унинг қошидаги “Бирлиқ” клуби ҳамкорлигига маданий-маъриф тадбир ўтказилди. Кечада зиёлилар ва музей ходимлари иштирок этишиди.

Тадбир доирасида адабий мухитга чақмоқдек кириб келган ва умрингин охирда ўчмас мерос қолдирган истеъод ҳақида фикрлар билдирилди.

БОЛАЛАР ХАВФСИЗЛИГИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Вилоят таълим бошқармасининг кенгайтирилган ҳайъат мажлиси ўтди. Унда мутасадди раҳбарлар иштирок этди. Вилоят ҳокими юрингбосари Бейсенбай Тажибаев соҳа раҳбарлари ҳисоботларини тинглаб, тегишил кўрсатмалар берди.

Мажлис кун тартибида “Хавфсиз мактаб” лойиҳасини амалга ошириш, ўкув йилининг натижаси, янги ўкув йилига тайёргарлик, мактабларни тубдан ва жорий таъмириш, болаларни ёзиғи лагерлар билан таъминлаш тадбирлари мұхокама қилинди.

Вилоят таълим бошқармаси раҳбари вазифасини вактинча бажарувчи Жандус Маханбетов соҳада амалга оширилаётган ишларга тўхтади. Шунингдек, маъруzaчилар мактабгача ва ўрта таълим муассасаларида олиб борилган мониторинг хulosалари, “Болаларнинг ёзиғи согломлаштириш ва таълим мусасасалари хавфсизлиги мактабларни амалга ошириш, ўкув йилининг натижаси, янги ўкув йилига тайёргарлик, мактабларни тубдан ва жорий таъмириш, болаларни ёзиғи лагерлар билан таъминлаш тадбирлари мұхокама қилинди.

Мажлис якунида ёзиғи чўмийлиш мавсумида кишлоқларда ота-оналар билан бирга болалар хавфсизлиги эътибор қартиш топширилди.

Бош вазир ўринбосари Серик Жумангарин Туркистон вилоятининг Сариоғоч туманинда иссикхоналар соҳиблари билан долзарб масалаларни мұхокама қилиди. Учрашувда Туркистон вилояти ҳокими юрингбосари Ермек Қенжеханули, туман ҳокими Арман Абдулаев иштирок этди.

Қозғистондаги барча иссиқхоналарнинг 70 фоиздан зиёди Туркистон вилоятида жойлашган. Май ойи бошида

«Абдураман» деҳқон хўжалигининг раҳбари Аширафи Шимбергенов умумий майдони 33 гектар бўлган очиқ ва ёпиқ майдонларда қулупнай етишириш лойиҳасига 300 миллион тенге сармоя кирити-

КАФТДЕК ЕР МЎЖИЗАСИ

«Абдураман» деҳқон хўжалигининг раҳбари Аширафи Шимбергенов умумий майдони 33 гектар бўлган очиқ ва ёпиқ майдонларда қулупнай етишириш лойиҳасига 300 миллион тенге сармоя кирити-

ва Кореяда кенг қўлланилади ва помидор, бодринг ҳамда бошқа иссиқхона экинларини етишириш харажатларини камтиради.

Бош вазир ўринбосари билан учрашувда деҳқон хўжали-



иссиқхонада қулупнай етиширилган ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ташкил этди. Технологиянинг ўзига хослиги шундаки, у кўёш нурларидан фойдаланади ва маҳсус ёпинич ёрдамида иссиқхонада етиширилган маҳсулот таннхарни бошқа иссиқхоналарга қараганда 3 баравар арzonга тушади.

Шимбергеновнинг сўзларига кўра, ушбу технология Хитой

ги раҳбари ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун сармоявий субсидия олопмайтганини айтди.

Серик Жумангарин таклифларни тинглаб, масалаларни мутасадди давлат органлари билан биргалиқда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилишга ваъда берди.

Сариоғоч тумани ҳокимининг матбуот хизмати.

ЎЗБЕКАЛИ ЖАНИБЕКОВ ЗАЛИ ОЧИЛДИ



Туркистон шаҳридаги “Фараб” кутубхонасида давлат ва жамоат арбоби, олим, этнограф Ўзбекали Жанибеков номидаги ўкув зали очилди.



Унинг тақдимотида визит ҳокимининг ўринбосари Бейсенбай Тажибаев, зиёлилар, журналистлар, китобхонлар ҳамда кутубхоначилар иштирок этди.

Шаҳар фахрийлар кенгаши раиси Жарилқасин Азизертбергенов ҳамда Бувилар ҳайъати раисаси Айғаним Серим рамзий тасмани қирқидар. Иштирокчилар маҳсус тайёрланган хона билан танишдilar. “Ҳазрат Сulton” давлат тарихий-маданий қўриқ-

хона-музейи ҳамда Ўтрор тумани, Ўзбекали Жанибеков номидаги лицей-интернатидан маҳсус келтирилган кимматбахо буюлар мемонлар эътиборига ҳавола килинди.

Тарих фанлари доктори, профессор Ҳазиретали Турсин олиб борган анжуманда мемонлар эътиборига ҳавола килинди.

Тадбир якунида “Оила хрестоматияси” матбуот уйида чоп итлган “Ўзбекали ҳамда маданий майдон” китобига маҳсус тайёрланган видеолавҳа намойиш этилди.

РАНГИН ОЛАМ – БОЛАЛАР НИГОҲИДА

Тўлебий тумани, Қасқаси қишлоғида Собик Иттифоқ рассомлар ўюшмасининг аъзоси, Қозғистон тасвирий санъатини ривожлантиришга улкан ҳисса кўшган мўйқалам устаси Еркин Айтбаевнинг 75 йиллигига багишлиланган ёш рассомлар танлови ташкил этилди.

“Хушманзара ўлқам” мавзуида ўтган танловда мактаб ўкувчилари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиқсан туман ҳокимининг ўринбосари Сержан Дүйсебаев, туман маслаҳати таълимнига қарори қабул қилинди.

Танлов иштирокчилари Олатов ёнбағирларида, табиат қўйнида илҳомланиб, расмлар чизишиди.

Ҳакамлар ҳайъати ғолиб-

ларни аниқлаш давомида уларнинг маҳоратига эътибор қартишиди. Танлов голибларига диплом ва маҳсус совғалар топширилди.

»» Таҳририят меҳмони

БАХТЛИ МАМЛАКАТ БАРПО ЭТИШНИНГ ҲАЁТБАХШ МЕЗОНИ



XXI аср – фаол, ташаббускор хотин-қизлар даври. Миллатни камолга етказиш учун улар илмли бўлиши керак, деган тайомил оңгимизга сингиб боряпти. Бу, албатта, қувонарлидир. Мұхими, саводхон хотин-қизларимизни сони йилдан йилга ортоқмода. Таҳририятимиз меҳмони ҳамда мақоламиз қаҳрамони Карима ҚУШМУРОДОВА күч-ғайратини ёшларнинг камолотига сарфлаётган аёллардан бири. Тадбиркорлик ва сиёсатда фаоллик кўрсатётган, кам таъминланган оиласларга саҳоват кўрсатишда тенгдошларига ўрнек бўләтган сұхбатдошимиз билан таниширайлик.



Карима Ортиқбой қизи ЖҚДТАнинг даволаши фахретдини таомолаган, врач-лаборант. Шу билан бирга М. Ауэзов номидаги ЖҚДУнинг умумиي психология факультетини таомолаган, ўша илм масканинге психология бўйича магистри. Фаолиятини вилоят болалар шифохонасида ҳамширалилдан бошлаган. Вилоят перинатал марказида лаборантлик қилди. 2020 йилдан "AMANAT" партияси Шимкент шаҳар филиали қошидаги "Исфоб" бошлангич партия ташкилотининг расиси ўринбосари, ўша йилдан бошлаб тадбиркорлик билан шугуллана бошлади. Шимкент шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси фаоли, КР Тадбиркор хотин-қизлар ҳамжамиятининг Шимкент шаҳри бўйича ўзлар қонати етакчиси.

Каримахон бу борада ёшларни ҳам ўзига эргаштира олди. Элбоши ва КР Президентининг фахрий ёрликлари, "AMANAT" партияси қошидаги Сиёсий менежмент мактабида "Аёллар сиёсий ётакчилиги" ўналишида таҳсил олди. "Ўстаз жолы" жамоати жамғармасининг "Елеули ёнбек" ўнсанларни ўзини "Енбек даңқы" ордени соҳибаси.



– Каримахон, ўзбек этномаданият бирлашмаси қошидаги тадбиркор хотин-қизлар қонотининг раисаси сифатида кам таъминланган, кўн болали ва имконияти чекланган ҳамюртларимизга саҳоват кўрсатилишида бosh-кўш бўлмоқдасиз. Яқинда эса яна бир савоб ишга етакчи бўлдингиз. Келинг, яхиси бу ҳақда ўзин-гиз батасфим галириб беринг.

– Сайрам мавзесидаги болаларни кўллаб-куватлаш маркази тарбияланувчила-рига келажак касб танлашда ёрдам бериш мақсадида улар билан учрашиб турамиз, имкон кадар улардан моддий ёрдамимизни аямаймиз. Яқинда марказ раҳбарияти билан биргалиқда бир хонани таъмирлаб, усуна напар билан ҳижозлайдик. У ерда таълим олаётган қизларимизнинг аксарияти гўз-залик салонларидаги янги касбни ўрганиши мақсад қилишганини айтишгани боис шундай йўл тутишимизга тўғри келди. Бир миллион тенгедан зиёд маблағга ҳижозланган хонада ўз ишининг устларни йигит-қизларга касб сирларини ўргатишмоқда. Олти ойлик курс сабоқларидан сўнг қиз-йигитларимиз хотин-қизлар, эрқаклар сартарошлари, маникюр, педикюр устларни бўлиб мактабни таомолагач кўшимча даромад манбаига эга бўлишиди. Маҳорат сабоқларига катнашаётган ўқувчилардаги каебга интилиш, кизиқувчаникни кўриб, хурсанд бўлдик. Демак, ҳаракатларимиз бесамар кетмайтган экан. Жумагали Билисбеков раҳбарлигидаги "Шимкент шаҳар Фуқаро альянси" хуқуқий шахслар бирлашмаси билан биргалиқда кам таъминланган, имконияти чекланган фарзандлари бор оиласларга моддий ёрдам берни лойиҳаларида фаол иштирок этмоқдамиз. Бизга ажратилган худудда 200дан зиёд болаларга доимий равишда ҳам маънавий, ҳам моддий ёрдам бериб келмоқдамиз. Ўқувчиларнинг нафакат мактабларда таҳсил олиши, бундан ташқари уларни ёзги таътилини мазмунли ўтказишига ҳам ёрдам берамиз. Қозогистон ҳалқи бирдамлиги куни, Галаба байрамини муносиб нишонлашга имкон қадар хисса қўшдик. УВУ фахрий, меҳнат фахрийларни қутлаб, улар хона-донани ташриф буюриб, совғаларимизни тортиқ қилдик.

– Ёш сиёсатчи ўзбек аёли сифатида КР Президентининг ётиборига тушдин-

М. САҶДУЛЛАЕВА.

М. САҶДУЛЛАЕВА.

»» «Жанубий Қозогистон» – ҳар бир хонадонга!

Фотинчи мучал ёш шодиёнаси



Эски Иқон қишлоғига истиқомат қилювчи обуначимиз, собиқ қишлоқ ҳокими, вилоят маслаҳатининг сөбиг депутати, таниқли тадбиркор Дониш Маннотовни олтинчи мучал ёши билан шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмасининг биринчи ҳамда бугунги раислари – Эрназар Рўзиматов, Райимжон Қўчкоров, оқсоқоллар кенгаши раиси Тўлқин Сайдмуродов, ўринбосари Ҳусан Убайдуллаевлар муборакбод этишиди. "Жанубий Қозогистон" газетаси таҳририятининг табрикномаси тақдим этилди.

Фарбий Хитой – Фарбий Европа йўлтининг Иқон қишлоғига ташқарисида барпо этилишида, давлатимиз рахнамолигида қишлоқдаги шўр босган минглаб гектар экинзорларда жаҳон тараққиёт банки ҳомийлигига гидромелиорация ишлари амалга оширилишида, янги мевали боғлар яратилишида, или бор Туркестон-Тошкент-Самарқанд-Навоий йўналишида қазибекбий, Тўлебий, Айтекебий каби таниқли даҳолар хотирасига бағишиланган ҳалқаро "Дўстлик карвони"ни ташкил этиб, ҳомийлик қилишда залворли ишлар амалга оширилгани, Қозогистон равнақига хисса қўшган таниқли жамоат ароби Д. Маннотов эл эҳтиромига сазовор инсон. Унга мустаҳкам саломатлик, омад, баҳт-саодат тилаймиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Суратда: тадбирдан лавҳа.

Муаллиф тасвири.

ОБУНАЧИЛАРИМИЗ ОРАСИДА



Чўрноқ қишлоғидаги И. Айтжонов номли мактаб касаба уюшма қўмитаси раиси, кўп йиллар давомида газетамиз обунасини ташкил этиётган тажрибали ўқитувчи, КР Фахрий фуқароси Ҳуррият Абуллипов билан мулоқотимизда Саврон туман ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Сайдмуродов ҳам иштирок этди.

Жорий йил поёнида фахрий хордикга ҳозирлик кўраётган Ҳ. Абуллиповдан жамоат ишларида ўзи каби холис ва ҳалол мунносиб шогирд тайёрлашини илтимос қилдик. Зоро, бундай фидойи инсонларни топиш осон эмас.

Кентов шаҳридаги А. Навоий номли мактаб директори Султон Тошўлатов ўз жамоасининг келгуси ярим йиллик обунасида фаол иштирок этишини маълум қилди.



Улуғбек Бойметов раҳбарлик қилаётган ў. Жанибеков номидаги гимназия-мактаби жамоаси жами 80 нусха "Жанубий Қозогистон" обунасини почта орқали расмийлаштиришида. Дириектор обунаси ташкил этишда ахборот-тарғибот



ишлари юритилганлигини баён қўллаб-куватлаб, фаол тарғиб килишга қақирамиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: обуначиларимиз орасида.

Муаллиф суратга олган.

ШОГИРДЛАРГА БОЙ ЧЕВАР-МУАЛЛИМА

Шимкент шаҳри, Сайрам даҳасидаги 10-аграр-техника коллежи бой тарихга эга таълим масканидир. Собиқ Иттифоқ даврида билим юртинган бой маддий-техник базаси 15ta республиканинг орасида алоҳида ўтироғга сазовор бўлдган. Бу ерда бир қанча чет эл фуқаролари ҳам таълим олган.



Техника фанлари номзоди, мөхир раҳбар Марс Елкеев коллеж раҳбари этиб тайинланганига кўп вакт бўлмаса-да, билим юртида ижобий ўзгаришлар таҳсинга лойиҳа.

Коллежда тикувчиларга са-боқ бериб келаётган Дилафрӯз



Расулхўжаеванинг шогирдлари маҳаллий тикувчилик цехларида этиакчи мутахассислар сифатида фоилият юртимизда. Шунингдек, иккى ўқувчиси ўз ҷеҳини очиб, янги иш ўрнини яратган ҳолда шаҳарга оширилган шараби оғизларига ўтирилган.

Хуршид Қўчкоров.

>>> Маънавият

ИЖОДКОРЛАР - МЕҲМОНДА

"Сайрам" тиббиёт коллежида Қозғистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари Ҳавазмат Қўчкоров ҳамда Зокиржон Мўминжоновлар иштирокида адабий учрашув ўтди.



>>> Адабиёт халқларни бирлаштиради



1. Талабанинг мардлиги

- Сиздек шоир бўлиш учун нима қилиш керак?
- Наманган педагогика институтидан ҳайдалиши керак.
Гап шундаки, шўро даврида бир гурӯхга 25та талаба қабул қилинган. Турли сабаб ё муносабат билан бир талаба кетиб қолиши мумкинлиги назарда тутилиб, биринчи курсга битта ортича - резерв талаба қабул қилинган. Наманган педагогика институтининг ўтган аср 70-йиллардаги ректори Муҳаммад Юсуф ва унинг курсдоши бўлган бир кизни ҳузурига чорлаб, муаммони айтади. Хуллас, улардан бири ўқиши ташлаб кетиши лозимлигини тушунтиради. Шунда ёш ўсмир Муҳаммаджон Юсупов "Бу қиз бола бўлса, қаёқка боради? Мен йигит киши кунимни кўриб кетаман", дейди ва хонадона мардона чиқиб кетади. Унинг тақдирига Тошкентдаги "Литературный" институтидаги ўқиш ве келажақда еслайсан шоир бўлиб этишиш ёзилганини ўша пайтда ўйлаб ҳам кўргаман эди.

2. Муҳаммад Юсуф газал ёзганими?

Муҳаммад Юсуф "Литературный" - ҳозирги Жаҳон тиллари институтининг рус филологияси факультетини тамомлаган. Шеъриятнинг назарий хоссаларини у рус тилда ўрганган. Шу боис шоир газал, рубойи, тулоя виқтва жанрида ижод килмаган. Шоир ижодида "Бўлак" радиофили бир дона газал мавжуд бўлиб, у "Биз баҳт бўламиз" (Низом нашириёти, 2017-йил) китобининг 90-саҳифасидан ўрин олган.

3. Чайён ким? Лаганбардор-чи?

Мен бор галатиман, мен алоҳида,
Чайёни чайнағум келар соҳиба.
Шоирнинг "Сурат"номли шеърида шоир каби ҳаётини мантиқдан ийроқ фиклар ёзилган. Бу ерда "Лаён" деганда шоир заҳарли жоновори эмас, орамиздаги иккӣ оёқли чаёнишат одамларни назарда тутган. Феъли, аъмоли, яшаш тарзи билан жамият тараққиётига гов бўладиган кимсалар шоирга худди чаёнга ўхшаб туялган. Бундай кимсаларни ўйқотиши, гаҳжаб ташлаш лозим, дейди шоир. Тубандаги сатрларда эса шоир чаёнига ўхшаган кимсаларни "лаганбардорлар, сонг сўрғувчи исқабтапарлар" деб бундай тубан кимсаларга ўзининг нафратини намоён этиди. Чиндан ҳам шеърни ўқисангиз, ўтган аср 30 ва 50-йилларидаги ноҳақликка учраб қамалган, оғир хасталикка учраган ёзувчилар кўз олдингизга келади. Уларга тухмат қилган кимсалар эса бегона эмас, ўзимизнинг манфур, лаганбардор кишиларимиз. Шоир уларни юртни эгалашга унриданган ёвдан ҳам баттар мараз кимса эканига алоҳида ургу беради:

Ёв надир? Зур келса, ўйларди ёв,
Булар қон сўргуеви исқабтапарлар.

Кахорни қанд қасал, Ойбекни соқов.

Қилиб қўйланлар ҳам лаганбардорлар.

4. Шоирнинг илоҳий зехни

Ўтган аср 80-90-йиллар шоирлари ижодини кузатсангиз, улар ижодида ўтим шараси кезиб юрганини яқоп сесазис. Бу каби шарпа Муҳаммад Юсуфда кўпроқ намоён бўлгандек туялди. У башоратгўй шоир эди. Унинг ички хиссиятига бе-шафқат ажад доим раҳна солиб турарди: Тупрок билан оғайнин бўлсам керак // Дўстим менга қимла васит // Отам менин кўмар эҳтимол, худо билар ким олдин кетар сингари сатрлари шоир келажагидан башорат қилиб тургандек. Абдулла Қодирий ҳамда Усмон Носир Ҳакидаги шеърларини ўқисангиз, жадид ёзувчиларга бўлган бугунги кунимиздаги айрича эҳтиромни шоир 90-йилларда айтиб кўйганига ҳайрон қоласиз:

Қодирийнинг қабри қизғалдокларга

Тўғай кунлар ҳали көлмоғи бордир.

Усмонин кисматин бу Ўзбекистон

Билгай кунлар тагин көлмоғи бордир.

5. Шоирга багишлов

Агар Муҳаммад Юсуф ҳакидаги марсия-багишловлар бир жойга йигилса, катта сўтлам бўлиши мумкин. Бизнинг давримизда яшайдиган деярли барча шоирлар шоирга шахсий эҳтиромини билдириш учун шеър ёзган. Ҳатто ёш қаламашлар ҳам унга багишлаб қатор сатрлар битганлар. Бирок улар орасида Ўзбекистон ҳалқ шоираси Ҳалима Худойбердиеванинг шеъри шоир шахсиятини тўлакони очиш жиҳатдан ҳамда миллий нафосати билан бошқа шеърлардан ажralиб туради:

Баланд кетди, шонига кетди,

Жаннатнинг айвонига кетди.

Турк юнини елкалашай деб

Яссавийнинг ёнига кетди.

Абдураҳмон ПИРИМҚУЛОВ,
адабиётшунос.

Инсон ва жамият

Адабиёт ва санъатнинг долзарб масалалари багишинан мулокотдан кўзланган мақсад – талабаларда адабиётга меҳр уйотиш, уларни ижодий изланишига рабтаблантириш ва китобхонликка йўналтириш эди.

Хажвий асарлар устаси, эл орасида Аваз Қўзи таҳаллуси билан танилган Ҳавазмат Қўчкоров адабиётнинг омма фикри ва қалб ҳисларини сайқаллашдаги аҳамияти ҳақида гапириб, ўзининг "Тала-ба", "Фермада", "Она юраги" каби шеър ва монологларни ўйиб берди. Шоир ва таржимон З. Мўминжонов ижодкорнинг жамиятдаги масъулиятини алоҳида таъкидлаб, у аввало, даврни чукур ҳис қилиши, асарларидаги замон руҳини бериши, шунингдек, ҳаёт гўзаликларини кўриб, китобхонларни ўз ортидан етаклаши зарурлигини айтди.

Ижодкор Ватанимиз пойтҳати ҳақидаги "Ассалом, Астана!" багишилови, шунингдек, Қозғистон Давлат мукофоти совориндори Улиқбек Есдаулет ҳамда Қозғистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Иса Үмарларнинг "Уч айбим", "Қизинг ўсса" каби қозоқчадан ўзбекчага ўғирилган шеърларини ўйиди.

Кутубхона мудираси Лайло Алижонова колек мәъмурлияти ва талабаларномидан мемҳонларга миннатдорчиллик билдири.

3. АҲМАДЖОНОВ.

Тасвирида: табдирдан лавҳа.

» Устоз минбари

ОТА-ОНАЛАРГА ЁРДАМЧИ ВОСИТА

Депрессия нима? Депрессия сўзи, лотин тилидан олинган бўлиб, босилиш, сусайиш маъноларини англатади. Депрессия кайфиятнинг кескин пасайиши, фикрлар каҳатлиги ва ҳар қандай ҳаракатга интилишнинг йўқолиши билан кечувчи ҳолдир. Узоқ муддатли депрессия ишлашга, бошқалар билан муносабатларга салбий таъсир кўрсатади ва жиддий қасалликларини ривожланишига олиб келиши мумкин. Депрессиянинг кўплаб белгилари мавжуд. Депрессия ҳаёт сифатини пасайтиради, шунинг учун имкон қадар ундан тезроқ чиқиб кетиш керак. Депрессия ҳозир ўсмirlарда ҳам учрамоқда.

Буғунги кунда жадаллашиб бораётган жамиятдаги турли ўзгаришлар, инсонлар орасидаги ўзаро муносабатларнинг мураккаблашиб бориши, оиласда нотичч вазиятнинг бўлиши, бошқа негатив манбалар, боланинг тўлиқ шаклланмаган онига сингини кийин, ўсмир бунгун ҳаммасини қабул қила олмайди. Натижада, тушунмовилик, бола руҳиятида ички ва ташки қаршилиг юзага келади. Шу боис катталар бола руҳиятида бўлаётган ўзгаришларни четда қолдирмаслиги керак.

Болада кучли ҳаяжонларни ҳолат юзага келганда, у тинмай максадсиз юради, ўзиға-ўзи гапира бошлайди, кайфият бўлмайди, кўп ўйланади, кўп ухлайди, хаддан ташҳари кўп овқат истеъмол қиласи ёки иштаҳаси бўлмайди. Бола руҳиятига билар-билим жароҳат етказиш унда тушунлик алломатларни пайдо қилиб, депрессия ҳолатига олиб келади. Ўз тенгурлари, синфдошлари, оила аъзолари орасидаги тушунмовчилик боладаги депрессия ҳолатининг асосий сабабчилари бўлади. Болаларда учрайдиган депрессия ҳолатининг олдини олиш учун бир неча тавсиялар берилади.

● Боланинг ҳатти-ҳаракатларини, фикр-хаёлларини, қизиқишиларини муетазам кузатиб бориши;
● Боланинг ташки кўринишига аҳамият бериш;
● Агар болада хаёлпастристик, кайфиятсизлик, ҳаддан ташҳари безовта бўлиш, ўрниниз асабайлишиш, ҳиссий тушунникка тушиши – буларнинг бирортасини пайқаб қолсангиз, дарҳол маслаҳат-кенгашиш ишларини ўшитириш лозим.

● Бола кайфиятнинг ўзгаришига аҳамият бериш, қаттиқ тушунникка тушиш, ўзини кийнаб, оғир аҳволга тушиб қолиши ҳолатига ўтказиб юбормаслик;
● Боланинг дўстлари, яқинларига ва уларнинг ўзаро муносабатига қизиқиш;
● Бола олдин ўз ота-онасидан, яқинларидан ёрдам ва тушуниш, оқибатли муносабатни кутади. Бунинг учун бола билан сұхbatлашиб турши керак, ҳар бир ота-она ўз фарзандига яқин бўлиб, ҳаётидаги ўзгаришлар, янгиликлар билан қизиқиб, турли муммалорни ҳал қилишига ёрдам бераборса, тарбиялашда ўйғунлик юзага келади. Бундай коидандар ота-оналар диккатидан четда қолмаслиги керак.

Гулбаҳор РАСУЛМЕТОВА,
Ойбек номидаги 14-сонли умумтаълим
мактабининг руҳиятшуноси.
Шимкент шаҳри.

Дурдана фикрлар

Инсон фақат гапиргани эмас, жим тургани олдида ҳам масъулиятлиdir.

•••

Энг гўзал шеър – математикадир. Ер юзида ҳозиргача "икки карра иккӣ тўрт"дан ҳам гўзал мисра ёзилмаган.

•••

Тоғлар кулагасин, деб оҳ чекмайман. Ўзимни бузаман, дунёни бузмайман.

•••

Харбий соҳаларга сарфланган пул дунёдаги очлик муммалорини тамомон ҳал қилиниши учун лозим бўлган пулдан баравар кўй.

•••

Камбагланинг ягона куроли – меҳнатdir.

Азиз НЕСИН,

турк ўзувчиси.

» Хотираобод

БАҲОР КЕЛДИ СИЗНИ СЎРОҚЛАБ...

Марҳумларнинг руҳи шод бўлмай, тириклар бойимас. Қозок мақоли.

Дунёга шундай инсонлар келади, уларни асло унтулмайсиз, вафот этган бўлсалар-да ҳамиша тирикдайд, ёнингизда ҳамнада шаҳнаваси шаҳтандек туюлаверади. Улардан бири – Қозғистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, истеъодли шоир Ирисали Жуманов (Журъат) эди.

Менга ҳам у киши устоузлик қўлганлиги учун тақдиримдан мамнуман. Устос! Сиз ушбу ёрут оламни тарк этганингиздан бўён қанча сувлар оқиб кетди, замонлар ўзгарди, лекин... Лекин ҳалқингиз, шоғирдларнингиз Сизга муҳаббати ўзгармади. Ҳамиша ўрнингиз билиниб турди.

Шоғирдларнингиз ютуклиарини кўрганингизда қувониб, бошингиз осмонга етади. Улардан бири – Иброҳим Туркий 30 якин китоблар музаллифи. У ҚР турк этномаданият бирлашмасининг кўкрак нишони билан тақдирланди. Уни Туркиядаги миллатдошлилар ҳам севиб мутолаа қилишади.

2. Баҳодир Оташ "Турон" Ҳалқаро Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

3. Муроджон Абубакиров Ҳалқаро психологияр академиясининг аъзоси, 10 йилга якин "Жанубий Қозғистон" газетасининг бош мухаррири лавозимида фоалият юритган, эндиликда бош мухаррир ўринбосар.

4. Абдураҳим Пратов бутун ижодкор аҳлига бош-қош. Кўп ютуқларни қўлга киритди.

5. Зокирхон Мўминжонов "Ижодкор" адабий бирлашмасига раҳбарлик қиласи. Бир неча китоблар музаллифи.

6. Эрканий Султонова ҳамон китоб чиқараш билан банд, кўкси тўла медаллар.

АҲАМИЯТИ ЗАЛВОРЛИ ТАНЛОВ



Туркистон вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси ҚР Мустақилларининг 33 йиллиги, Туркистон вилоят ташкил этилганига 6 йил тўлиши мусобабати билан "Улес" хайрия жамгармаси томонидан миңтақа ўқитувчилари орасида "Менинг устозим!" номли кўрик-танлов эълон қилинган эди. Танлов ҳар йили ўтказилиб, маъкеи ортиб бормоқда.

Тадбирни уюстиришда Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Райимжон Кўчкоровнинг хиссаси бекиёс. Ушбу тадбирда Сайрам туманидаги бир неча мактаб ўқитувчилари ҳам қатнашдилар. Жумладан, Қорабулок қишлоғидаги Нодир Усмонов раҳбарлик қилаётган 101-сонли, Муроджон Сайдалиев раҳбарлик қилаётган "Далабозор" ҳамда Фоғиржон Бегмуродов

раҳбарлик қилаётган Жамбил номли мактаб муаллимлари иштирок этиб, голиб ва совриндорлар сафидан жой олиши. 101-сонли мактабдан Фарида Абдураимова, Гулмира Курбоналиева, Гулчехра Абдураимова, Матлуба Ахмадназарова, Гулнора Раимкуловалар фаол иштирок этиб, олий ўринни кўлга киритиши ва И. Алтинсарин кўкрак нишони ҳамда қимматбаҳо совгалар соҳибига айланниши.

Жамбил номли мактабдан Г. Гултўраева, "Далабозор" мактабидан И. Ахмедов ва Г. Вахоболовар ҳам муносиб ўрин эгаллаб, тақдирланиди. Муаллимлар "Китобсеварлар клуби" тадбирида ҳам иштирок этиб, бир олам таассуротта эга бўлдилар ва келгусида клубнинг атёси булишга аҳд қилдилар.

Одилжон ХОЛМУРОДОВ, жамоатчи муҳбirimiz.

САНЖАР – МАКТАБ ФАХРИ

Е. Юсупов номли 104-сонли умумтаълим мактабининг 11-синф ўқувчиши Санжарали Бегалиев Осиё чемпиони шарафида мусасар бўлди.

Астанада ўтган Осиё чемпионатида жаҳоннинг 35 мамлакатидан 500дан зиёд чарм кўлқоп усталари иштирок этган мусобақада Санжарали олтин медални кўлга киритди. Боксдан 75 кг. вазн тоифасида беллашган С. Бегалиев республикамиз шарафими химоя қилди.

Вьетнам, Ўзбекистон, Қирғизистон чарм кўлқоп усталари билан майдонга чиқкан ёш спортчи Ҳиндистон боксчиси Раҳул Кундудини 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

ҚРда иккى карра ҳамда Осиё чемпиони бўлган спортчи бугунги кунгача Иордания ва Озарбайжонда ўтган мусобақаларда совринли ўринларни кўлга киритган.

М. УСМОНОВА.



»» Ибратга лойик ташаббус

КИТОБСЕVAR ЎҚУВЧИЛАРГА МУКОФОТ



КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ БИЛИМ МАСКАНИ "САЙРАМ" ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИ

Ўрта бўғин тиббиёт мутахасисларини тайёрлайдиган пешқадам таълим масканларидан бири "Сайрам" коллежи 2007 йили очиғланган. Мусасис – тиббиёт фанлари доктори, профессор Амирхон Баймагамбетов.

Коллеж директори – Жанара Баймагамбетова.

Ўтган 18 йил давомида коллежда 3 мингдан зиёд мутахассис тайёрланди. Улар буғунги кунда мамлакатизмнинг турли бурчакларидан фаoliyati юритмоқда.

Коллежда талабаларнинг чукур билим олишилари учун барча шароит яратилган. Жумладан, компъьютер ва стоматология хоналари, лаборо-

"Сайрам" коллежи вилоят таълим департamentining 2007 йили 23 авгуустаги №0038304 АБ Давлат лицензиаси асосида ташкил этилган.

Аввалиги мақолаларимизнинг бирда Туркистон шаҳридаги F. Муратбаев номли умумтаълим мактаби директори Гулзода Исмаилованинг ташаббуси билан таълим даргоҳида турли спорт ўйинлари учун замонавий очик майдонлар барпо этилганлиги ҳақида баён этгандик.

Г. Исмаилова мактаб даҳлизида турган велосипед, самокат, котоп ва бошقا жисмоний харакатга боғлиқ гидравлика инжомалларга изоҳ бериб, кўйидагиларни маълум қилди.

– Мактабимизда 530 ўқувчи таҳсил олади. Жорий йили ёзги таътилда "Мутолаага муштоқ мактаб" давлат дастурини му-

ваффакиятли амалга ошириш учун 4-6 ҳамда 7-10- сининфар орасида мусобақа ташкил этилди. Энг кўн китоб ўқиган, шу ҳақда маълумот берган ўқувчиларимиз мана шу мукофотлар билан тақдирланади. Ҳомиляримизга катта раҳмат.

Директор ўринbosари Жамила Ўразметова ва ўқитувчи Зулфия Эргашова билан биргалиқда ёзда энг кўн китоб ўқидиган пешқадам ўқувчиларга тухфа килинадиган қимматбаҳо совгаларни кўздан кечирдик (тасвирда). Ўқувчиларни китоб ўқишига рабтаглантирадиган ушбу ташаббус ибратга лойик.

Ш. МАДАЛИЕВ.
Муаллиф суратга олган.



ЎҚИШ МУДДАТИ
11-синф асосида 2 ўйл 10 ой.
9-синф асосида 3 ўйл 10 ой.

ХУЖЖАТЛАР

1. 3x4 ҳажмадеи фотосурат (4 дона);
2. Ўқишига кириш тўргисидаги ариза;
3. Билим тўргисидаги хужжатнинг асл нусхаси;
4. №75 намунасадаги тиббий маълумотнома.

МАНЗИЛ: Шимкент шаҳри, Сайрам даҳаси, А. Төмур кўчаси, 204-үй.
Электрон манзил: kolledj_sairam Tel.: +77013530643, +77763710371,
+77471579050, +77479372410, +77027863920, +77078933403, +7752283130.



НОНУШТА ҚИЛИШДАН АВВАЛ ЗАНЖАБИЛ ШАРБАТИНИ ИЧИШНИНГ 7 САБАБИ!

- Эрта қаришнинг олдини олади;
- Қон айланишини яхшилайди;
- Иммунитет тизимини мустаҳкамлайди;
- Оғриқни камайтиради;
- Суюқликни ушлаб туриш назорати;
- Мушаклар чарчашининг олдини олиш;
- Овқат ҳазм қилиш жараёнини яхшилайди.



ТОКСИНЛАРДАН ТОЗАЛОВЧИ ОДДИЙ ТАВСИЯ

- Малина баргидан тайёрланган чой – кайфиятни кўтаради, организми шлаклар ва токсинлардан тозалаб, ёшлик ва гўзалликни тиклайди.
- Малина барглари куритилиб, майдаланади. Бир пиёла совук сувга бир ош қошиқ малина баргини солиб, арапластирилади ва паст оловда қайнаш ҳолига келтирилади. Араплашма термосда 1 соат дамланади ва сузуб олингач, оддий чойдек ичилади.



МАНЗИЛИМИЗ:
160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳкӯчаси, 6-үй, 3-қават.
Телефон: 53-07-10. Телепакс: 53-04-66.
Электрон почта: janubij@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466.
Адади – 11500 нусха.
Буорта: 1262.

Навбатчи мухаррир: Мунира САҶДУЛЛАЕВА.

Директор – Баш мухаррир
Райимжон Ортиқбай үғли
АЛИБОЕВ.

Баш мухаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ.
Авазхон БЎРОНБОЕВ.

Масъул котиба – Шахноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Сағрон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.
Кентов, Сўзок – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.
Тўлебий – Бахорий ДЎСМАТОВА. +7(72547) 6-07-16.
Қазигурт – Ҳуршид КЎЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.
Сайрам – Зокиржон МУМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90.
Тулқишиб – Мунира САҶДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.
Жетисай, Мактабар – Мұхтар ҰСМОНОВА. +7701-257-36-97.
Келес, Саригоч – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – «Жанубий Қозогистон» вилоят ижтимоий-сийсий газетаси таҳририяти» масъулити чекланган бирордарлиги.

Газета ҚР Маданият ва ахборот рўзигариги
томонидан 2020 йил 21 апрелдаги шоҳигар олини,
KZ34VPY00022503 гучеҳонама берилган.

«ERNUR-print» МЧБ босмахонасида чоп этиди.

Шимкент шаҳри, Т. Алимутин кўчаси, 22.

Газета ҚР Маданият ва ахборот рўзигариги
томонидан 2020 йил 21 апрелдаги шоҳигар олини,
KZ34VPY00022503 гучеҳонама берилган.

«ERNUR-print» МЧБ босмахонасида чоп этиди.

Шимкент шаҳри, Т. Алимутин кўчаси, 22.

Газета ҚР Маданият ва ахборот рўзигариги
томонидан 2020 йил 21 апрелдаги шоҳигар олини,
KZ34VPY00022503 гучеҳонама берилган.

«ERNUR-print» МЧБ босмахонасида чоп этиди.

Шимкент шаҳри, Т. Алимутин кўчаси, 22.

Газета ҚР Маданият ва ахборот рўзигариги
томонидан 2020 йил 21 апрелдаги шоҳигар олини,
KZ34VPY00022503 гучеҳонама берилган.

«ERNUR-print» МЧБ босмахонасида чоп этиди.

Шимкент шаҳри, Т. Алимутин кўчаси, 22.

Газета ҚР Маданият ва ахборот рўзигариги
томонидан 2020 йил 21 апрелдаги шоҳигар олини,
KZ34VPY00022503 гучеҳонама берилган.

«ERNUR-print» МЧБ босмахонасида чоп этиди.

Шимкент шаҳри, Т. Алимутин кўчаси, 22.

Газета ҚР Маданият ва ахборот рўзигариги
томонидан 2020 йил 21 апрелдаги шоҳигар олини,
KZ34VPY00022503 гучеҳонама берилган.

«ERNUR-print» МЧБ босмахонасида чоп этиди.

Шимкент шаҳри, Т. Алимутин кўчаси, 22.

Газета ҚР Маданият ва ахборот рўзигариги
томонидан 2020 йил 21 апрелдаги шоҳигар олини,
KZ34VPY00022503 гучеҳонама берилган.

«ERNUR-print» МЧБ босмахонасида чоп этиди.

Шимкент шаҳри, Т. Алимутин кўчаси, 22.

Газета ҚР Маданият ва ахборот рўзигариги
томонидан 2020 йил 21 апрелдаги шоҳигар олини,
KZ34VPY00022503 гучеҳонама берилган.

«ERNUR-print» МЧБ босмахонасида чоп этиди.

Шимкент шаҳри, Т. Алимутин кўчаси, 22.

Газета ҚР Маданият ва ахборот рўзигариги
томонидан 2020 йил 21 апрелдаги шоҳигар олини,
KZ34VPY00022503 гучеҳонама берилган.

«ERNUR-print» МЧБ босмахонасида чоп этиди.

Шимкент шаҳри, Т. Алимутин кўчаси, 22.

Газета ҚР Маданият ва ахборот рўзигариги
томонидан 2020 йил 21 апрелдаги шоҳигар олини,
KZ34VPY00022503 гучеҳонама берилган.

«ERNUR-print» МЧБ босмахонасида чоп этиди